

## **ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИ РАҶАМЛАШТИРИШ: БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАР**

**Аскарова Бахытгуль Полатовна,**

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиси*

*кафедра катта ўқитувчиси*

*E-mail:khitgul@inbox.com*

**Колмаков Иван Константинович,**

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиси*

*мустақил изланувчи*

*E-mail: ivankolmakov78@gmail.com*

**Аннотация:** Мақолада ички ишлар органларининг жамоат тартиби сақлаш фаолиятига рақамлаштириш технологияларини ва тизимларини жорий этиш борасида амалга оширилган ислоҳотлар, хусусан соҳага доир қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва уларни амалиётга татбиқ этиш ҳолати мантиқий изчилиқда баён этилган ҳамда ушбу рақамли технологиялар ва тизимларни жорий этишда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги вазифаларни бажаришда инобатга олиниши лозим бўлган таклифлар баён этилган.

**Калит сўзлар:** ички ишлар органлари, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, субъект, ахборот-коммуникация технологиялари, концепция, автоматлаштирилган тизим, аппарат-дастурый комплекс.

Бугунги кунда замонавий ахборот технологияларсиз бирон бир соҳа фаолиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки ҳозирда ахборот коммуникацион технологиялари шиддат билан ривожланиб ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кириб бормоқда, бу эса жамиятнинг бошқа соҳалари қатори ички ишлар органларига ҳам ўз фаолиятига янги инновацион техника ва технологияларни киритиш, юқори технологиялардан фойдаланиб рақобат бардошлигини ошириш вазифаларини юкламоқда.

Мамлакатимизда сўнгти йилларда жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини йўлга қўйиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролар онгидга “Қонун устувор, жиноятга жазо муқаррар” деган ҳаётий тамойилни қарор топтириш бўйича жиддий ўзгаришлар жорий этилмоқда [1]. Хусусан, ҳуқуқшунос олим С.С. Шариповнинг «Энг янги ахборот-коммуникация технологияларини тизимга жорий этиш, ички ишлар органларини замонавий воситалар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш бу борадаги тизимли ишларнинг муҳим йўналишларидан бири» эканлиги тўғрисидаги фикрга қўшилишимиз мумкин [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон (29 ноябрь 2021 йил) фармонида жамоат хавфсизлигини таъминловчи *субъектлар* сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари киради.

Жамоат тартибини сақлашда *иширок этиучи субъектларга* бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар киради [6].

Маълумки, ички ишлар органлари бўйича жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича, асосий субъектларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини рақамлаштириш соҳасидаги амалга оширилаётган ислоҳот доирасида бир қатор чора-тадбирлар белгиланиб келинмоқда.

Амалга оширилган ислоҳотлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3786 (19 июнь 2018 йил) қарори билан Тошкент шаҳрида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, сутканинг кечки ва тунги вақтида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида уларнинг яқин ҳамкорлигини ташкил этиш мақсадида “Хавфсиз пойтахт” қонцепциясини жорий этиш, “Хавфсиз шаҳар” аппарат-дастурий комплексини амалга оширишда Тошкент шаҳрининг барча ички ишлар бўлимларини шахснинг юзини ва транспорт воситаларининг давлат рақами белгисини интеллектуал таниб олиш тизими билан жихозланиши юзасидан чора-тадбирлар белгиланди [3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-3528-сонли (14 февраль 2018 йил) қарорга асосан, Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларини “Хавфсиз шаҳар” аппарат-дастурий комплекси имкониятларидан кенг фойдаланишга йўналтириш, Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларининг жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини келгусида ташкил этишнинг устувор йўналишлари бири этиб белгиланди[4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4075 (25 декабрь 2018 йил) қарори билан ички ишлар органларининг йўл-патруль бўлинмалари ходимлари учун мобиЛЬ видеокамералар ҳамда маъмурий ҳукуқбузарликларга оид ишларни расмийлаштириш ва кўриб чиқишининг электрон тизими планшетлар билан таъминланиши бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4343 (30 май 2019 йил) “Тошкент вилоятида ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарорига асосан Тошкент вилоятида жамоат тартибини сақлаш, ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатдан янги босқичига ўтиш, шунингдек, ички ишлар органлари куч ва воситаларини назорат қилиш ва бошқаришнинг самарали тизимини жорий этиш мақсадида, содир этилган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олишнинг «102» автоматлаштирилган маълумотлар тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050 (2 апрель 2021 йил) қарори билан профилактика инспекторлари томонидан ҳар бир оила ва хонадондаги муҳитни, шунингдек, ҳукуқбузарликлар содир этилишига таъсир этувчи ижтимоий, инфратузилма ва бошқа муаммоларни ўрганиш ҳамда бартараф этиш бўйича “Хавфсиз хонадон” ва “Хавфсиз ҳовли” тизими йўлга қўйилди.

Шу билан бирга ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг электрон маълумотлар базаларини ягона платформа негизида бирлаштириш асосида «E-ichki ishlar organlari» марказлашган ахборот тизимини яратилди [5].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196 (2021 йил 26 март) фармони [6] билан профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиши жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиши, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи «Smart маҳалла» ахборот дастурини ишга тушириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Ўз навбатида рақамлаштиришда туб бурилиш ясаган Президентимизнинг навбатдаги Фармони Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон

Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон (2021 йил 29 ноябрь) фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси”да жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларини кенг жорий этишнинг мутлақо янги механизмлари этиб қўйидагилар белгиланди: биринчидан, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларини кенг жорий этиш – жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди; иккинчидан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш – концепцияни амалга оширишдан кутилаётган асосий натижалардан бири сифатида белгиланди [7].

Бугунги кунда мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш тизимида кенг кўламли демократик ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадри учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида, “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” қабул қилинди. Унинг иккинчи устувор йўналиши (мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш)да, “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш” деб номланган 16-мақсадида, жамоат тартибини сақлаш бўйича патруллик хизмати фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шу жумладан замонавий ахборот технологияларини жорий этган ҳолда фуқарони ички ишлар бўлимига текшириш учун олиб бориш амалиётидан воз кечиш ҳамда йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини қисқартириш, шу жумладан ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлаш каби муҳим чора-тадбирлар белгиланганди [8].

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини рақамлаштириш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, юқорида кўрсатилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини

олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиши каби вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 399-сонли (22 июль 2022 йил) қарори билан, ички ишлар органлари фаолиятига босқичмабосқич «*E-патруль*» тизими жорий этилиб, фуқаронинг шахсини аниқлаш учун ички ишлар бўлимига олиб бориши амалиётидан воз кечилди [9].

Бир сўз билан айтганда, мазкур тизимларнинг жорий этилиши натижасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш имконини бермоқда.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқсан ҳолда, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги вазифаларни жамият ва амалиёт талаблари асосида бажаришда қуйидагиларни инобатга олиш таклиф этилади: *биринчидан*, ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқсан ҳолда молиявий ресурсларни ажратишни йўлга қўйиш; *иккинчидан*, прогнозга таянган ҳолда замонавий техника, алоқа ва бошқа зарур воситалар бўлган эҳтиёжни олдиндан буюртма бериш тизимини яратиш; *учинчидан*, таркибий тузилмаларга техника, алоқа ва бошқа зарур воситаларнинг эҳтиёжини белгиловчи нормалар амалиётдаги ҳақиқий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда белгилаш; *тўртинчидан*, молиявий ресурслар билан таъминлашнинг муқобил йўлларини, шу жумладан давлат-хусусий шерикчилик тизимини кенг жорий этиш.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида “Инсон қадри учун” тамойили асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар фуқароларнинг маъмурий масалалар бўйича ортиқча овора бўлишининг олдини олиш, соҳа ходимларининг вақтини тежаш, ўз вақтида ва тезкорлик билан жазо муқаррарлигини таъминлаш, куч ва воситаларни тезкор бошқариш ҳамда фуқароларнинг мурожаатларига тезда муносабат билдириш имконини бермоқда.

### **Иқтибослар**

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ташкил этилганининг 30 йиллиги муносабати билан соҳа ходимлари ва фахрийларига йўллаган табригидан // [Электрон манба]. – URL: <https://bugun.uz/2021/10/24/shavkat-mirziyoev-ichki-ishlarorgani-xodimlari-faxriylariga-tabrik-yolladi>. (Mirziyoev Sh.M. From the congratulatory message to the

employees and veterans of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan on the occasion of the 30th anniversary of its establishment).

2. С.С.Шарипов Ички ишлар органларида геоахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда жамоат тартиби сақлаш фаолиятини бошқаришни такомиллаштириш //

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июнданги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3786-сонли қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 2019. – 07/19/4343/3206-сон (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 19, 2018 No. RP-3786 “On additional measures to ensure public order in the city of Tashkent, crime prevention and increase the effectiveness of the fight against crime” // National Database of Legislation. – 2019. – No. 07/19/4343/3206).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-3528-сонли қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. – 2020. –07/20/4639/0345-сон (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 14, 2018 No.RP-3528 “On the introduction of a qualitatively new system of public order, crime prevention and fight against crime in Tashkent” // National Database of Legislation. – 2020. – No. 07/20/4639/0345).

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.04.2021 й., 07/21/5050/0280-сон (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. RP-5050 of April 2, 2021 “On additional organizational measures to further improve the activities of law enforcement agencies in the field of public safety and combating crime” // National Database of Legislation, 02.04.2021., No. 07/21/5050/0280).

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта ги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. DP-6196 dated march 26, 2021 “On measures to raise the work of law enforcement agencies in the field of public

security and the fight against crime to a new level in terms of quality” // National Database, 26.03.2021, No. 06/21/6196/0240).

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон фармони // Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. DP-27 dated november 29, 2021 “On approval of the Concept of Public Security of the Republic of Uzbekistan and measures for its implementation” // National Database, 01.12.2021, No. 06/21/27/1116).

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон [Фармони](#) // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 06/22/113/0330-сон.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 июлдаги “Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 399-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 22.07.2022 й., 09/22/399/0658-сон.